

Бир қўлида Қуръон, бошқасида замонавий технология



11:35 / 20.12.2018 2723

Хитойнинг Шанхай шаҳрида Робототехника бўйича бутундунё таълим мусобақаси (World Educational Robot Contest) бўлиб ўтди.

Унда дунё бўйлаб 500 минг кишидан саралаб олинган 7 минг киши иштирок этди.

Туркия шарафини 11 та ҳофиза қиз ҳимоя қилди ва “Энг таниқли жамоа” йўналишида ғолиб бўлди.



Жажжи ҳофизалар 10-12 ёшда бўлиб, Туркиянинг Кўнё шаҳридаги Бедир таълим марказининг қизлар учун Қуръон курси тингловчиларидир. Марказда 300 қиз таҳсил олади. Таълим марказида Робот кодлаштириш ательеси ҳам очилган бўлиб, қизлар у ерда алгоритмлар, код ёзиш ва юқори технологияларни ўрганади.

